ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОЩАНОВ ДАЎЛЕТБАЙ ЕРЕЖЕПОВИЧ

АМУДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ БАЛИҚ ЧАВОҚЛАРИНИНГ ОЗИҚЛАНИШИ

03.00.06 – Зоология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020

УДК 597.2:639.3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қощанов Даулетбай Ережепович
Амударё қуйи оқими сув ҳавзаларидаги балиқ чавоқларининг озиқланиши …….....……..…… 3

Қощанов Даулетбай Ережепович
Питание молоди рыб в водоемах низовьях Амударьи …… 22

Қощанов Даулетбай Ережепович
Nutrition of juvenile fish in water bodies of lower Amu Darya……..…. 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 44

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОЩАНОВ ДАЎЛЕТБАЙ ЕРЕЖЕПОВИЧ

АМУДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ БАЛИҚ ЧАВОҚЛАРИНИНГ ОЗИҚЛАНИШИ

03.00.06 – Зоология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/B396 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жуманов Муратбай Арепбаевич**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Акрамова Фируза Джалалиддиновна**
биология фанлари доктори, профессор

Сапарбаев Жумабай
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Хоразм Маъмун академияси**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ Давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.20.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» сентябр куни соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 5-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» сентябр куни тарқатилди.

(2020 йил «5»сентябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси)

Я.И.Аметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, б.ф.д.

А.И. Курбанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

И.И.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ошиб бориши билан уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабларнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Бу эса, мавжуд сув ресурслари ва ирригация тармоқларини балиқчиликни ривожлантириш учун йўналтириш ва ички сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишни тақазо этмоқда. Шунга кўра, турли типдаги сув ҳавзалари балиқларнинг фаунасини аниқлаш, турларининг ривожланиши тадқиқ этиш, озиқланиш биологиясини асослаш ва балиқчиликда юқори маҳсулдорликга эришишнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш ҳамда янги услубларни ишлаб чиқариш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда балиқчиликнинг самарадорлигини ошириш ва интенсив купайтириш йўлларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, турли географик минтақаларга хос бўлган сув ҳавзаларига мос равишда товар балиқчилигини ривожлантириш услублари ишлаб чиқилди, ирригация тармоқларида балиқларнинг маҳсулдор популяцияларини шакллантиришнинг йўллари аниқланди ва балиқчиликни ривожлантиришда турли озуқа заҳираларидан фойдаланиш истиқболлари асосланди. Таъкидлаш лозимки, балиқ чавоқлари озуқасини 85-90%, вояга етган балиқлар озуқасининг 40-45% зоо- ва фитопланктон организмлардан иборат бўлиб, уларнинг турли сув ҳавзалари ривожланиши ва балиқчилик учун самарадор биомасса ҳосил қилиш ҳусусиятлари динамик характерга эга. Бу эса, планктон организмлар ва уларни турли типдаги сув ҳавзаларида тарқалиши ва хилма-хиллиги, самарадор биомассасининг мавсумий ўзгарувчанлиги, уларнинг табиий ва сунъий сув ҳавзалари балиқлари маҳсулдорлигини оширишдаги ўрнини аниқлашни белгилаб бермоқда. Шунга кўра, турли сув ҳавзаларидаги балиқлар озуқа объектларини сифат ва миқдор кўрсатгичларини баҳолаш, балиқ чавоқларининг озиқланиш биологиясини асослаш, интенсив балиқчиликликда экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда аҳолини сифатли балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш учун балиқчилик тармоқларини тубдан ривожлантириш, наслчилик ишини такомиллаштириш, уларда етиштирилаётган маҳсулотларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, республикамизда тарқалган сув хавзаларига мос равишда балиқларни кўпайтиришнинг интенсив усуллари ишлаб чиқилди, янги балиқ турлари иқлимлаштирилди ва саноат ишлаб чиқаришига жалб этилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1], жумладан, «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

оширишда, жумладан, Амударё қуйи оқими зоопланктон организмлар турлар таркибини аниқлаш, улардан балиқчилик хўжаликларида мақсадли фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш, самарадор турлари маҳсулдорлигини баҳолаш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Балиқларнинг табиий ва суъний сув ҳавзаларида тарқалиши, турлар таркиби, биологияси, экологиясига доир тадқиқотлар хорижлик олимлар H.Jahnichen, A.Kozianowski (1967), B.Stott, L.Orr (1970), R.J.Wells, J.R.Rooker (2009), R.Baker, A.Buckland, M.Sheaves (2014), S.K.Saikia (2016) ишларида келтирилган. МДҲ мамлакатлари олимлари Л.С.Берг (1905), В.Г.Никольский (1953), Н.Е.Быков (1964), В.Е.Боруцкий (1961), М.В.Желтенкова (1985), А.М.Токранов ва б., (1995), В.В.Максименков (2002) томонидан ички сув хавзалари балиқлар фаунаси, био-экологик ҳусусиятлари, ҳамда систематикасига доир илмий натижалар қайд этилган.

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида балиқлар фаунаси, тарқалиши, биологияси, экологияси ва соҳанинг ривожланиш истиқболлари бўйича, регионлар кесимида, маълумотлар олинган Г.К.Камилов (1973), Р.Т.Тлеуов (1981), Б.К.Хакбердиев (1983), А.А.Аманов (1985), Э.А.Абдуллаев (1989), И.М.Жолдасова, Л.П.Павловская (1995), И.М.Мирабдуллаев, У.Т.Мирзаев, В.Н.Хегай (2002). Бироқ ушбу тадқиқот ишларининг аксарияти ХХ асрнинг охирида ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг эскирганлигидан далолат беради. Ҳусусан, Қорақалпоғистон шароитидаги тадқиқот натижалари Орол денгизи балиқларига бағишланган бўлиб, бугунги кунда, улар тарихий аҳамиятга эгалигини такидлаш лозим. Умуман, қуйи Амударё сув ҳавзаларидаги балиқларнинг фаунаси, таркибий ўзгариши, озиқланиш биологияси каби муҳим маълумотлар юқоридаги

тадқиқотларда ўз аксини топмаган. Шунга кўра, Қорақалпоғистоннинг турли сув ҳавзаларидаги балиқларнинг яшаш муҳити сифатида тадқиқ этиш, трансформациялашган шароитларда улардаги биоэкологик ўзгаришларни аниқлаш, балиқларни муҳофазалаш йўлларини ва балиқчилик хўжалигида фойдаланиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ГНТП-13 “Оролбўйи ҳудудида сув организмларининг яшаш муҳит билан муносабатларини ўрнатиш» (2003-2005) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Амударё қуйи оқими сув ҳавзалари балиқларининг замонавий фаунаси ва овланадиган балиқ турларининг озиқланиш биологиясини аниқлаш ҳамда балиқчиликни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуйи Амударё турли типдаги сув ҳавзалари балиқларининг турлар таркиби, уларнинг ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш;

асосий овланадиган балиқ турлари чавоқларининг озиқланиш биологиясини изоҳлаш;

табиий ва суний сув ҳавзаларидаги балиқ турларининг озиқланиш ва ривожланиш стратегиясини тадқиқ этиш;

коллектор-дренаж, шоли майдонлар тизимида балиқчиликни ривожлантириш истиқболларини баҳолаш;

коллектор-дренаж, шоли майдонлар тизимида балиқ чавоқларини муҳофаза қилиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти қуйи Амударё сув ҳавзалари балиқ чавоқлари ва уларнинг озуқалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети балиқлар фаунаси, тарқалиши, ўзгарувчанлиги ва уларнинг ҳар хил типдаги сув ҳавзаларида озиқланиш хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ихтиологик, гидробиологик, экологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Амударё қуйи оқими сув ҳавзалари кесимида балиқларнинг 23 авлод, 8 оила ва 6 туркумга мансуб 25 тури аниқланган;

балиқлар тур таркибининг бойлиги жиҳатидан Амударё ўзанида 22, коллекторларда 19, шоли ландшафтларида 13 ва сув омборларида 17 та тур учраши аниқланган;

илк бор турли типга мансуб сув ҳавзаларидаги балиқ чавоқлари озиқланишининг биологик ҳусусиятлари очиб берилган;

турли сув хавзаларидаги фитопланктон ва зоопланктон организмлар гуруҳлари, сифат ва миқдор кўрсатгичлари ҳамда чавоқларнинг ривожланишидаги уларнинг аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Амударё қуйи оқими ҳар-хил типдаги сув ҳавзалари фито- ва зоопланктон организмлардан балиқлар учун озуқа сифатида фойдаланиш ва товар балиқлар маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

планктон организмларнинг овланадиган балиқ турлари чавоқлари озиқланиш биологиясидаги аҳамияти баҳоланган;

турли типдаги ва локал худудлардаги сув ҳавзалари балиқ чавоқларини муҳофаза қилиш чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган классик, ихтиологик ҳамда гидробиологик усуллар ва илмий ёндошувларни қўллаш асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, олинган маълумотлар STATGRAF дастур асосида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли типдаги сув ҳавзаларидаги балиқларнинг турлар таркибини аниқланганлиги, балиқ чавоқларининг озиқланишида озуқа организмларининг тутган улушини асосланганлиги, озиқланиш биологияси асосида балиқларнинг ривожланиши очиб берилганлиги, балиқчиликни ривожлантириш жараёнларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси биоресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш, бу сув ҳавзаларида балиқчилик хўжалигини ривожлантириш, дехқончилик билан биргаликда аҳолини тоза балиқ маҳсулоти билан таъминлаш, яшаш муҳитининг ўзгарувчан шароитида уларни сақлаб қолишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амударё қуйи оқими сув ҳавзаларидаги балиқ чавоқларининг озиқланиши юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий ва иқлимлаштирилган балиқ турларининг турли сув ҳавзаларида кўпайтириш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг Нукус ва Кегайли тумани бўлимлари амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2020 йил 21 январдаги 02/18-153-сон маълумотномаси). Натижада, Орол қизил кўзи, Орол оққайраги, Орол майбалиғи турларининг локал популяцияларини сақлаб қолиш ва сон жиҳатдан қисқариб кетиш хавфини олдини олиш имконини берган;

ирригация каналлар орқали турли агроценозларга келиб тушадиган балиқ чавоқларининг тур таркиби ва улардан самарадор фойдаланиш йўллари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Нукус ва Кегайли тумани сув хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 02/02-3-40-сон

маълумотномаси). Натижада, коллектор тармоқларида оқ дўнгпешона, оқ амур, зоғора балиқ, товон балиқ, илонбош, чипор дўнгпешона ва амур оқ оқчаси турлар асосида маҳаллий балиқчиликни ривожлантириш имконини берган;

зоо- ва фитопланктонларга бой шолизорларда кўпайишга мойил балиқ турларининг тур таркиби ва уларни етиштириш бўйича чора-тадбирлар Нукус тумани қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва қийтақ ер эгалари кенгашининг 2020 йил 25 январдаги 01/01-56-сон маълумотномаси). Натижада, оқ дўнгпешона, оқ амур, зоғора балиқ ва товон балиқ турлар асосида шоли майдонларидан ўртача 40 кг/га балиқ олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон сув ҳавзалари балиқлари озиқланишининг ўрганилиш даражаси”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон, шу жумладан Жанубий Орол минтақаси турли хил сув ҳавзаларидаги балиқларнинг тарқалган ҳудудларини ҳисобга олган ҳолда балиқларнинг озиқланиши бўйича адабиётлар шарҳи атрофлича келтирилган.

Диссертациянинг “**Амударё қуйи оқими сув ҳавзаларининг қисқача табиий - географик тавсифи, тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида коллектор-дренаж ва шоли экин майдонлари, Амударё ўзани ва Давуткўл сув омборларининг физик-географик тавсифи келтирилган бўлиб, бу сув ҳавзалари алоҳида аҳамиятга эга. Шаклланишига, сув таркибига ва таъминланишига кўра бир биридан фарқ қилади.

Диссертацияда тадқиқотнинг материаллари ва услублари келтирилган. Тадқиқот олиб борилган сув ҳавзалари ихтиофаунаси турлар таркиби ўрганилган. Балиқларнинг озуқа организмларини аниқлаш мақсадида ичагидаги озуқалар таҳлил қилинган. Озуқа моддаларининг учрашиш частотаси ҳамда вазнига қараб аҳамияти аниқланди. Унда гидробиологик ва ихтиологик тадқиқотларнинг умум қабул қилинган методикаларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг “**Амударё қуйи оқими сув ҳавзалари ихтиофаунаси ва доминант балиқ турлари чавоқларининг озиқланиш биологияси”** деб номланган учинчи бобида турли типдаги сув ҳавзалари (дарё, дренаж каналлари, шоли майдонлари, Давуткўл сув омбори) балиқларининг озиқланиши бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Амударё қуйи оқимидаги турли типдаги сув ҳавзаларида балиқларнинг 25 тури аниқланган. Таксономик нуқтаи назаридан, 23 авлод, 8 оила ва 6 туркумга мансублиги аниқланган (1-расм).



1 – расм. Балиқларнинг таксономик ва турлар таркиби

Балиқлар фаунасининг асосини зоғорабалиқлар оиласи (17 тур) ташкил топганлиги ва уларнинг кенг тарқалганлиги билан изоҳланади. Сув ҳавзалари кесимида, балиқлар тур таркибининг бойлиги бўйича Амударё ўзани биринчи ўринни 22 тур билан эгаллаган, КС-1 коллекторида – 19, Давуткўл сув омборида – 17 ва шоли майдонларида – 13 дан иборатлиги кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган балиқ турларининг чавоқлари ҳам тадқиқ этилган сув ҳавзаларда аниқланган. Улардан: Амударё кичик куракбуруни, Амударё катта куракбурини, паррак, Орол мўйлабдори балиқлари жуда кам ҳолларда балиқларни ушлаш пайтида кўзатилганлиги ва илмий изланишлар даврида, баъзан Амударё ўзани ва суғориш каналларида камдан-кам (1-2 тадан) учрашиб, улар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларида балиқ чавоқлари озуқаси тур таркиби бўйича карпсимонларнинг ичаклигидан 40 дан ортиқ планктон ва сув тубида яшовчи организмлар аниқланди.

Озуқа объектлари энг кўп хилма-хилликка эга бўлган балиқ чавоқлар қаторига товон балиқ (36), зоғора балиқ (34), Орол қизил кўзи (30), камроқ нисбатда эса шарқ оқчаси ва Амур буқабалиғи (26 ва 25), энг кам турдаги озиқларни истеъмол қилувчилар эса қиррақорин, Амур чебакчаси, Орол майбалиғи, тезсузар ва Орол оққайроғи (16, 16, 14, 13 ва 12 объект).

Йиртқич балиқларга мансуб оқ сла, лаққа ва илонбош ошқазонида 17 турдаги озуқа компонентлари (улардан 8 тури – балиқ чавоқлари) аниқланди. Мазкур компонентларнинг нисбати турли балиқларда бир хил эмас. Озиқ объектлари тур таркибининг энг кўп хилма-хиллиги ёш илонбалиқларда – 14, лаққада – 13, оқ сла – 9 объект аниқланди.

Биз ўрганиб чиқган ўсимликхўр балиқлар ичакларида 50 турдан ортиқ сув ўсимликлари, сув усти ва сув ости ўсимликлар қолдиғи аниқланди. Озуқанинг тур таркиби бўйича энг хилма-хил турлари – бу оқ дўнгпешонада – 45, амур оқ оқчаси – 16, чипор дўнгпешонада – 15, энг кам озиқ хилма-хиллиги оқ амурда (7) қайд этилди.

КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларидаги турли хил балиқ чавоқларининг (баҳор ва ёз ойларида) ўртача озуқа компонентлари ҳақидаги маълумотларга асосланган ҳолда, таъкидлаш жоизки, хирономидлар билан, асосан, амур буқабалиғи, қиррақорин, чизиқли тезсузар, товон балиқ, шарқ оқчаси, зоғора балиқ ва Амур чебакча, Орол қизил кўзи балиқлари; ҳашаротлар билан – чизиқли тезсузар, товон балиқ, қиррақорин, Орол майбалиғи, зоғора балиқ, шарқ оқчаси ва Орол қизил кўзи балиқлари; кўп туклилар билан – Орол оққайроғи, чизиқли тезсузар, қиррақорин ва зоғора балиқлари; тубан қисқичбақасимонлар билан – чипор дўнгпешона, Орол майбалиғи, амур буқабалиғи, Орол қизил кўзи, Амур чебакчаси, кам миқдорда зоғора ва балиқ шарқ оқчаси; моллюскалар билан – зоғора балиқ, камроқ равишда товон балиқ ва Амур буқабалиғи; чиғаноқли қисқичбақалар билан – Амур буқабалиғи ва Орол қизил кўзи; майда балиқлар билан – оқ сла, лаққа, илонбош, кам миқдорда Орол оққайроғи; юксак даражали ўсимликлар билан – оқ омур, амур оқ оқчаси, Орол қизил кўзи ва шарқ оқчаси, кам миқдорда зоғора балиқ; сув ўтлари билан – оқ дўнгпешона, кам миқдорда – чипор дўнгпешона балиқлари озиқланди.

Детрит оқ ва чипор дўнгпешона озуқаси сифатида муҳим ўрин эгаллаган ҳолда товон балиқ, қиррақорин, шарқ оқчаси, зоғора балиқ чизиқли тезсузар, Орол майбалиғи ва Амур буқабалиғи озуқавий таркибида камроқ аҳамият касб этади.

Тадқиқ этилган барча балиқ чавоқларининг озиқланиш спектри уларнинг ўсишига қараб ўзгариб боради. Мисол тариқасида, озуқа таркибида тубан планктон қисқичбақасимонларнинг камайиб бориши ўсиш жараёнида шарқ оқчаси, зоғора балиқ, товон балиқ, Орол майбалиқларида қайд этилди. Ҳашаротлар – зоғора балиқ озуқасида кўпроқ учради, товон балиқ ва Орол оққайроғида бу кўрсаткич ўзгаришсиз ҳолда, Орол қизил кўзи, шарқ оқчаси,

Орол майбалиғи ҳамда йиртқич балиқларда у камайиб бориш хусусиятига эга. Хирономидлар Орол майбалиғи, шарқ оқчаси, зоғора балиқ, товон балиқ ва Орол оққайроғи озуқасида кўпроқ, Орол қизил кўзи, оқ сла ва илонбошда камроқ. Кўп туклилар – Орол қизил кўзи, шарқ оқчаси, зоғора балиқларида кўпроқ, Орол оққайрогида камроқ. Мизидлар – товон балиғида кўпроқ ва зоғора балиқда ўзгаришсиз ҳолда, Орол қизил кўз ва шарқ оқчасида камроқ. Моллюскалар – зоғора балиқда кўпроқ; юксак даражали ўсимликлар зоғора балиқ, Орол қизил кўз ва шарқ оқчаси балиқларида кўпроқ. Детрит – зоғора балиқ ва шарқ оқчасида кўпроқ, Орол қизил кўзи ва Орол майбалиғи озуқаси таркибида ўзгармаган ҳолда, товон балиғида камроқ. Балиқ қолдиқлари эса Орол майбалиғи, Орол оққайроғи ва тадқиқ этилган барча йиртқич балиқларда кўпроқ аҳамият касб этади.

Амударё ўзанида тадқиқ этилган карп балиқлари ичагида 35 дан ортиқ планктон ва сув тубида яшовчи организмлар турлари аниқланди. Ҳар хил балиқ чавоқлари организмида ушбу озуқалар нисбати бир хил эмас. Озуқа турлари хилма-хиллиги бўйича энг кўпи шарқ оқчасида – 34, Орол қизил кўзида – 24, Орол оққайроғида – 14 ва нисбатан камроқ турда оқ дўнгпешона 8 ва оқ амурда – 6 қайд этилди.

Бунда энг кўп учрайдиган турлардан ҳашаротлар (26), шу жумладан, хирономид личинкалари (16), камроқ равишда тубан планктон қисқичбақасимонлар – шохдор мўйловлилар (2) ва эшкакоёқлилар (5) аниқланди. Учрашиш частотасига кўра карпсимон балиқлари озуқа таркибида хирономид личинкалари, шохдор мўйловлилар, эшкакоёқлилар, бургалар ва ҳашаротлар қолдиқлари устунликка эга бўлди.

Йиртқич оқ сла ва лаққа балиқ чавоқлари ошқозонида 16 турдан кўпроқ озуқа объектлари (улардан 8 – катта ҳашаротлар личинка ва имаголари) учрашди. Мазкур компонентларнинг нисбатига кўра ёш лаққа балиқларда (12) оқ сла балиғига (11) нисбатан кўпроқ хилма-хилликка эга.

Улардан энг кўп турга эга бўлганлари бу ҳашаротлар (9), ёш балиқлар (6). Учрашиш частотаси бўйича йиртқич балиқ чавоқлар озуқаси таркибида хирономид личинкалари, ёш балиқлар, бургалар, қўнғиз ва мизидлар устунлик қилди.

Шундай қилиб, Амударё ўзанида хирономид личинкалари билан энг аввало, шарқ оқчаси, зоғора балиқ, камроқ даражада Орол қизил кўзи ва Орол оққайроғи озиқланган. Ҳашаротлар билан – зоғора балиқ ва шарқ оқчаси, нисбатан камроқ – Орол қизил кўзи ва Орол оққайроғи, юксак даражали ўсимликлар билан – оқ амур, Орол қизил кўзи, камроқ даражада – шарқ оқчаси ва зоғора балиқ озиқланган. Тубан планктон қисқичбақасимонлар билан – Орол қизил кўзи, шарқ оқчаси ва зоғора балиқ, камроқ даражада оқ дўнгпешона ва оқ амур, балиқ чавоқлари билан – лаққа ва оқ сла, детрит озуқа сифатида оқ дўнгпешона, зоғора балиқ, шарқ оқчаси, Орол қизил кўзи ва Орол оққайроғида қайд этилди.

Тадқиқ этилаётган балиқ чавоқларининг озиқланиш спектри уларнинг ўсиш жараёнига қараб ўзгариб боради. Шарқ оқчаси балиғи ўсиб борган сари унинг озуқасида ҳашаротларнинг роли ортиб боради, хирономид

личинкаларининг аҳамияти эса аксинча камаяди. Орол қизил кўз чавоғи ўсиш жараёнида унинг озуқаси таркибида ҳашаротлар, хирономид личинкалари ва детритлар улуши камайиб, тубан планктон қисқичбақасимонлар, юксак даражали ўсимликлар улуши кўпайиб бориши қайд этилди. Зоғора балиқ чавоғи ўсиш жараёнида унинг озуқаси таркибида хирономид личинкалари, тубан планктон қисқичбақасимонлар ва ҳашаротлар улуши камайиб, юксак даражали ўсимликлар ва детритлар улуши кўпайиб бориши қайд этилди. Оқ дўнгпешонанинг ўсиш жараёнида (3,1 дан 13 см гача) унинг озуқаси таркибида тубан планктон қисқичбақасимонлар улуши камайиб (26,1% дан 4,5% гача), сув ўтлари миқдори ошган. Оқ дўнгпешона ва оқ амур каби ўсимликхўр балиқлар асосан ўсимликлар билан озиқланган ҳолда, уларнинг ичаклиги умумий тўйинганлиги индекси нисбатан кам кўрсаткичга эга. Мазкур ҳолат Амударё ўзанида кўллар, коллектор ва шоли экин майдонларига нисбатан фитопланктон ва юксак даражали ўсимликларининг миқдори кам эканлиги билан изоҳланади.

Давуткўл сув омбори балиқ чавоқларининг озиқланишида карпсимон ва йиртқич балиқлар ошқозонида планктон ва сув тубида яшовчи организмларнинг 40 дан ортиқ тури аниқланди. Улардан энг кўп хилма-хилликка эга бўлган турларига товон балиқ – 44, зоғора балиқ – 42, нисбатан камроқ – шарқ оқчаси - 41, Орол қизил кўзи – 39 ҳамда оқ слада – 11, оқ дўнгпешонада – 8 ва оқ амурда – 7 тур озиқ объектлари топилди. Бу турлардан энг кўп учрайдиганлари қаторига ҳашаротлар – 36, шу жумладан, хирономид личинкалари – 25, камроқ даражада тубан планктон қисқичбақасимонлар (кладоцера – 6, копепода – 5) мансубдир. Карпсимон балиқ чавоқлари озуқаси таркибида учрашиш частотаси бўйича хирономид личинкалари, ҳашаротлар, шохдор мўйловли ва эшкакоёқли қисқичбақасимонлар, бургалар, юксак даражали ўсимликлар ва сув ўтлари етакчи ўринларни эгаллади.

Давуткўл сув омборида хирономид билан асосан товон балиқ, зоғора балиқ ва шарқ оқчаси, камроқ миқдорда Орол қизил кўзи ва оқ сла, ҳашаротлар билан – Орол қизил кўзи ва шарқ оқчаси, камроқ миқдорда – зоғора балиқ ва товон балиқ, тубан қисқичбақасимонлар билан – оқ дўнгпешона, зоғора балиқ, оқ амур, Орол қизил кўзи ва шарқ оқчаси, юксак даражали ўсимликлар билан – оқ амур, шарқ оқчаси, Орол қизил кўзи ва камроқ миқдорда зоғора балиқ, сув ўтлари билан – оқ дўнгпешона, балиқлар билан – оқ сла озиқланган. Детритлар - оқ дўнгпешона, товон балиқ ва зоғора балиқ озуқаси таркибида кўпроқ, шарқ оқчаси ва Орол қизил кўзи озуқа таркибида камроқ даражада қайд этилди. Биз тадқиқ этаётган бу балиқ чавоқлари жуда майда бўлганлиги боис, уларнинг озуқа компонентлари таркибида умуртқасизлар ҳам белгили даражада учрайди. Одатда, барча майда балиқлар, шу жумладан ўтхўр ва йиртқич балиқ чавоқлари ҳам майда организмлар билан озиқланади.

Тадқиқ этилган балиқ чавоқлари озиқланиши уларнинг ўсиш жараёнига боғлиқ равишда ўзгариб боради. Масалан, тубан планктон қисқичбақасимонлар қоидага кўра, балиқлар катталашган сари аҳамияти

камайиб борди (мисол учун шарқ оқчаси, зоғора балиқ, оқ сла, қисман товон балиқда), Орол қизил кўзи балиғи бундан мустасно, унинг энг кичик ва энг катта гуруҳларида тубан планктон қисқичбақасимонлар жуда муҳим аҳамият касб этди.

Балиқлар ўсиб бориш жараёнида улар озуқаси таркибида хирономиднинг аҳамияти бентос билан озиқланувчиларда ортиши, бошқаларида эса камайиб бориши кўзга ташланди, оқ омур, Орол қизил кўзи ва шарқ оқчаси балиғи озуқасида юксак даражали ўсимликларнинг улуши, оқ дўнгпешона балиғи озуқасида детрит улуши – ортиб бориши, зоғора балиғида камайиб, оқ слада балиқ билан озиқланишнинг ортиши кузатилди.

Бугунги кунда Орол денгизи қуриб бориши натижасида балиқ овлаш ички сув ҳавзалари, коллекторлар ва уларнинг қуюлиш қисмида амалга оширилмоқда. Улар жумласига шу вақтгача қайд этилмаган КС-1 коллектори ва ўзига хос сув хавзаси хисобланган шоли экин майдонлари, Амударё ўзани ҳамда Давуткўл сув омбори мансубдир.

Овланадиган балиқ чавоқларини боқиш учун мазкур сув ҳавзалари қулай муҳитга эга. Балиқ чавоқларининг яшаш шароитларини баҳолаш учун уларнинг озиқланиши ва семизлик коэффиценти ҳақидаги маълумотларга таянган ҳолда амалга оширилди, чунки КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларидаги балиқ чавоқларининг озуқа заҳиралари ва ўсиш суръатлари ҳақида аввал ҳеч қандай маълумотлар қайд этилмаган. Давуткўл сув омбори ва Амударё ўзанидаги озуқа заҳиралари ва балиқларнинг ўсиш суръатлари ҳақидаги маълумотлар бошқа муддатларда олинган.

2-расмда тадқиқотлар ўтказилган давр мобайнида бир сув ҳавзасидаги турли хил балиқ чавоқларининг озуқа таркиби бўйича тўпланган маълумотлар асосида карпсимон ва йиртқич балиқ чавоқларининг ўртача озуқа таркиби уч турдаги сув ҳавзалари учун келтирилган. Бу ҳар хил балиқ чавоқларининг озуқа таркиби хақидаги маълумотлар асосида уларнинг ҳар бир сув ҳавзада қайси организмлар ҳисобидан тараққий этишини кўрсатади. Барча турдаги балиқ чавоқлари озуқасининг ўртача кўрсаткичи мавсум, йил давомида тўпланган ўртача маълумотларга асосланган холда ҳисобланди.

Давуткўл сув омборида балиқ чавоқлари асосан хирономид личинкалари, ҳашаротлар ва юксак даражали ўсимликлар ҳисобидан ривожланиш босқичларини амалга оширган. КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларидаги балиқ чавоқлари ҳашаротлар, хирономид личинкалари ва юксак даражали ўсимликлар билан озиқланган. Бошқа сув ҳавзаларига нисбатан бу ердаги балиқ чавоқлари озуқаси таркибида моллюска ва кўп туклилар улуши кўпроқ. Шунингдек, мизидлар ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Балиқ чавоқлари озуқа таркибида ҳашаротлар, кўп туклилар, мизид ва моллюскаларнинг энг кўп миқдори фақат КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларида, хирономид личинкаларининг энг кўп миқдори – Давуткўл сув омбори ва Амударё ўзанида ҳам аниқланган.

Балиқ қолдиқлари кўпроқ Амударё ўзанидаги балиқ чавоқлари озуқасида, юксак даражали ўсимликлар – Давуткўл сув омбори ҳамда КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларида кўпчиликни ташкил қилган.



2-расм. Турли сув ҳавзаларидаги Орол қизил кўзи, шарқ оқчаси, зоғора балиқ, товон балиқ, Орол оққайроқ, Орол майбалиқ, қиррақорин, чизиқли тезсузар, Амур буқабалиқ ва Амур чебакчаси чавоқларининг ўртача озуқа таркиби

Детрит кўп миқдорда Амударё ўзани, Давуткўл сув омборидаги ва КС-1 коллектори ҳамда шоли экин майдонларидаги балиқ чавоқлари озуқаси массасининг 2,1 дан 6,8% гача қисмини ташкил этди.

Барча турдаги балиқ чавоқлари ичаклигининг тўйинганлик индексининг энг юқори умумий кўрсаткичлари КС-1 коллектори ва шоли экин майдонлари ҳамда Давуткўл сув омборида, энг паст кўрсаткичи Амударё ўзанида қайд этилди.

2-расмда келтирилган маълумотлар таҳлили асосида озуқавий организмлар тур таркиби ва детрит, балиқларнинг мавжудлиги хисобга олинди. КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларидаги балиқ чавоқлари озуқа қолдиқлари айниқса, хилма-хиллиги билан ажралиб туради, бу ҳолат у ерда озуқа заҳиралари миқдорининг кўплигидан далолат беради. Бошқа сув ҳавзаларида сезиларли фарқ кузатилмади.

3-расмда йиртқич балиқлар – оқ сла, лаққа ва илонбош озуқасининг ўртача таркиби келтириб ўтилган. КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларидаги балиқ чавоқлари озуқасида энг кўп миқдорда балиқ қолдиқлари (95,6%), Амударё ўзанида (88%), Давуткўл сув омборида энг кам (73,5%) кўрсаткич ва бу ўринда хирономид ва хашоратлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги (26,5%) қайд этилди. Ошқозоннинг энг кўп тўйинганлик индекси Амударё ўзанида ва энг кам – Давуткўл сув омборида қайд этилди.

4-расмда ўтхўр балиқлар – оқ дўнгпешона ва оқ амур озуқасининг ўртача таркиби келтирилган.

КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларида улар юксак даражали ўсимликлар ва детрит, шунингдек, сув ўтлари билан озиқланган. Давуткўл сув омборида юксак даражали ўсимликлар, детритлар ва тубан планктон қисқичбақасимонлар билан озиқланганлиги қайд этилди. Амударё ўзанида ушбу балиқ турлари асосан юксак даражали ўсимликлар ва детритлар

ҳисобидан тирикчилик этган. Шунингдек уларнинг озуқавий таркибида сув ўтлари ва тубан планктон қисқичбақасимонлар муҳим ўрин эгаллаган.



3-расм. Турли сув ҳавзаларидаги оқ сла, лаққа, илонбош чавоқларининг ўртача озуқа таркиби



4-расм. Ҳар хил сув ҳавзаларидаги оқ дўнгпешона ва оқ амур чавоқларининг ўртача озуқа таркиби

2-расмда келтирилган маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, карпсимон балиқлар ва амур буқабалиғи учун энг қулай озуқавий муҳит – КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларида, Давуткўл сув омборида, энг ёмон шароит – Амударё ўзани ҳисобланган.

3-расмга асосан йиртқич балиқ чавоқлари дарё ўзанида яхшироқ шароитга эга бўлган.

1-жадвал

Ҳар-хил сув ҳавзаларидаги доминант тур балиқларнинг семизлик коэффиценти

Балиқ тури	Сув ҳавзалари					
	КС1 ва шоли майдонлари		Давуткўл сув омбори		Амударё ўзани	
	Фультон бўйича	Кларк бўйича	Фультон бўйича	Кларк бўйича	Фультон бўйича	Кларк бўйича
Орол қизил кўзи	1,60-2,50 2,05±0,63	1,41-2,18 1,69±0,38	1,86-2,56 2,10±0,23	1,55-2,31 1,81±0,06	1,48-2,21 1,79±0,04	1,18-1,92 1,52±0,17
Шарқ оқчаси	1,56-2,47 2,02±0,25	1,17-2,24 1,80±0,06	1,72-2,56 2,11±0,41	1,48-2,27 1,89±0,12	1,48-2,04 1,78±0,16	1,08-1,84 1,57±0,09
Зоғора балиқ	2,1-3,41 2,83±0,42	1,86-3,06 2,53±0,57	2,3-3,48 2,87±0,61	2,08-3,12 2,58±0,16	1,7-2,88 2,21±0,38	1,4-2,58 1,98±0,15
Товон балиқ	2,74-3,74 3,22±0,51	2,16-3,30 2,67±0,57	2,1-3,5 2,61±0,70	1,86-3,02 2,28±0,46	1,80-3,3 2,46±0,24	1,33-2,8 2,10±0,17
Оқ сла	1,11-1,90 1,46±0,39	0,98-1,59 1,27±0,24	1,0-1,86 1,35±0,16	0,88-1,31 1,13±0,21	1,28-2,2 1,65±0,30	1,12-1,72 1,43±0,42
Оқ дўнгпешона	1,79-2,25 1,98±0,34	1,50-1,87 1,65±0,34	1,42-2,14 1,97±0,36	1,16-1,78 1,64±0,28	1,1-1,98 1,57±0,23	0,98-1,56 1,34±0,42
Оқ амур	1,95-2,73 2,39±0,39	1,6-2,3 1,98±0,41	1,65-2,55 2,31±0,30	1,32-2,15 1,92±0,38	1,24-1,94 1,57±0,35	1,11-1,61 1,32±0,25

Изоҳ: Каср суръатида-чегаралар, каср махражида-ўртача семизлик. М-ўрта арифметик қиймат, m-стандарт четлашиш.

4-расмдаги маълумотларга кўра, ўтхўр балиқлар учун энг қулай шароит Амударё ўзанига нисбатан КС-1 коллектори ва шоли экин майдонлари ҳамда Давуткўл сув омборида мавжуд бўлган.

Алоҳида турдаги балиқ чавоқлари озиқланиш шароитини баҳолаш мақсадида 1-жадвал тузилиб, унда турли сув ҳавзаларидаги айрим балиқ турларининг Фультон ва Кларк формулалари бўйича семизлиги тақдим этилди. 1-жадвал ҳулосасига биноан, балиқ чавоқларининг озиқланиши ва ривожланиши учун энг яхши шароит деб ҳисобланган сув ҳавзаларидаги балиқларнинг семизлик коэффиценти ҳам юқори эканлигини яна бир марта кўришимиз мумкин.

Турли хил сув ҳавзаларидаги бир хил турдаги балиқ чавоқлари озиқланишида яхши шароит мавжудлиги сифатида ичакликнинг юқори даражада тўйинганлик даражаси, катта миқдорда ҳайвон организмлари мавжудлиги (карпсимонлар учун – умуртқасизлар, йиртқичлар учун – балиқлар) ва нисбатан семиз бўлиши, ёмон шароит сифатида тўйинганлик индекси пастлиги, нисбатан кам миқдорда ҳайвонот озуқаси мавжудлиги, ўсимликларнинг, айрим холларда детритнинг юқори аҳамиятлилиги ва озғин бўлиши қабул қилинди.

Шоли экин майдонлари ва коллекторлардаги балиқ чавоқларини муҳофаза қилиш чоралари деб номланган тўртинчи бобида КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларида балиқчиликни ривожлантириш имконияти кўрсатиб берилган.

Шоли тизимларига балиқлар ҳар йили суғориш даврида Амударёдан (шу жумладан Қорақум каналидан) келиб тушади ва қуйи Амударё коллектор–дренаж системаси ихтиофаунаси айнан шу орқали турлар сони тикланиб ва бир бирини тўлдириб боради. Шоли майдонларида ва КС -1 коллекторида еттита оилага мансуб 19 та балиқ тури кузатилди. Улардан 9 тури маҳаллий ихтиофауна вакиллари, қолган 10 тури эса иқлимлаштирилган балиқлар ҳисобланади.

Энг кўп балиқ турини, табиий сув ҳавзаларидаги каби, карпсимонлар оиласига мансуб бўлган (13 тур) балиқлар, кейинги ўринларда–лаққасимон, илонбошсимон, олабуғасимон, оризийлар, пецилиялар, буқасимон балиқлар оилаларидан фақат бир турдан учраши кузатилди. Шоли майдонларида асосан личинкалар, чавоқлар ва бир йиллик майда балиқлар учрайди, коллекторларда ҳатто вояга етган балиқларни ҳам учратиш мумкин, улар турлари ва миқдорий таркиблари бўйича нотекис тақсимланган (5-расм).

Қорақалпоғистон Республикасида шоли майданлари 36116 га, коллектор – дренаж тармоқлари эса 20454,7 км ни эгаллайди, бу, шоли майдонлари ва магистрал коллекторларнинг фақатгина 50% ни балиқ билан тўлдириш ҳисобидан йилига 100-150 кг/га балиқ етиштириш мумкин дегани. Шоли майдонларидан балиқ етиштириш мақсадида фойдаланиш, битта майдондан икки хил ҳосил – шоли ва балиқ етиштириш имконини беради.

Шоли майдонлари балиқ етиштиришга мўлжалланган сув ҳавзаларига қўйилган барча асосий талабларга жавоб бера олади. Шоли майдонларидаги



5- расм. Шоли ва коллектор-дренаж системаларидаги балиқ чавоқларининг нисбати

сувнинг ҳарорати 35° дан ошмаган. Эриган кислород миқдори бутун мавсум давомида балиқ хўжалигида белгиланган меъёрдан ошмайди (6,2 мг/л-10,7 мг/л), сувнинг pH миқдори 6,2 дан 9,3 гача ўзгарди.

Шоли майдонларни, суғориш ва сув ҳайдаш қурилмалари нишабга параллель турадиган кўринишда ўрнатиш керак. Бунинг учун сув тўлдирмасдан аввал ҳар бир майдонда периметри бўйлаб, сув камлигида балиқларга бошпана бўладиган хандакчалар қилиш керак, иккинчи тарафдан ҳандакчалар балиқ тўплаш хизматини ҳам бажаради, бу эса балиқ овлашда қўл келади. Учинчидан балиқ йиғиш ҳандаклари, дренаж ҳандаклар ролини бажаради, улар эса шоли йиғишда жуда муҳим омил бўлмиш - шоли майдонларининг тез қуришига ёрдам беради. Мавжуд ва тайёрланаётган шоли майдонлари балиқ етиштиришга мослаштирилмаган, шу сабабли ҳар йили шоли майдонларида ривожланувчи қимматбаҳо балиқ чавоқлари ўсиш даври охирига келиб нобуд бўлиши кузатилди.

Ўзбекистоннинг доимий ҳаракатдаги йирик коллекторларида биологик усулни самарали қўлланиш учун икки-уч ёшдаги ўтхўр балиқларга тўлдириш, кичик коллекторларга эса балиқ чавоқларини кўпайтириш зарур. Биологик усулни қўлланиш учун ўт босган ва лойлашган коллектор ёки дренажни олдиндан тайёрлаб қўйиш – бу, қамиш босган, энсиз қирғоқ чизиғининг икки тарафидан ўтиш жойи қолдириб, ўртасидан 50-60 см атрофида чуқурлаштириш зарур. Бундай тайёргарлик натижасида деярли барча коллекторларда балиқлар яшаши учун, айниқса ақ амур балиғи, сув ўсимликларининг ривожланишини назорат этади ва сув миқдори кам вақтида бошпана вазифасини бажаради.

ХУЛОСАЛАР

“Амударё қуйи оқими сув ҳавзаларидаги балиқ чавоқларининг озиқланиши” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Амударё қуйи оқими сув ҳавзаларида балиқларнинг 6 туркум, 8 оила ва 25 турга мансуб турлари аниқланди. Улардан, зоғабалиқсимонлар – 17, лаққасимонлар, илонбошлар – 1 дан, бакрасимонлар, карптишлилар, олабуқасимонлар – 2 та турни ташкил қилди.

2. Ҳар хил типдаги сув ҳавзалар кесимида балиқ турларининг тарқалиши бўйича янги маълумотлар олинди. Бунга кўра, табиий ҳавзаларда – 22, коллекторларда – 19, шоли майдонларида – 13 балиқ турлари идентификация қилинди.

3. Ушбу сув ҳавзаларида аниқланган балиқ турларининг чавоқлари ва уларнинг озуқа организмлар билан биоценотик алоқалари қайд этилди.

4. Балиқлар озуқаси сифатида фитопланктон ва зоопланктон организмларнинг қатор таксономик гуруҳлари аниқланди. Фитопланктон турлари - 44, зоопланктон - 8 турдан ташкил топганлиги очиб берилди.

5. Тадқиқ этилган сув ҳавзалари балиқ турларининг ривожланиши жараёнларида уларнинг озиқланиш спекторлари ўзгариб бориши кузатилди.

6. КС-1 коллектори ва шоли майдонларида ҳашаротлар, қисқичбақасимонлар, моллюскалар, сув ўсимликлари, детритлар билан асосан карпсимонлар турларининг озуқаси сифатида катта аҳамиятга эгалиги аниқланди. Йиртқич балиқ турлари учун бошқа балиқлар билан озиқланишининг ортиб бориши кузатилди.

7. Амударё ўзанида барча ўлчамдаги оқ амур чавоқлари озуқаси таркибини асосан юксак даражали ўсимликлар ташкил қилади. 3,1-8,0 см ва 8,1-10 см ўлчамдаги балиқлар озуқаси таркибида шунингдек, тубан планктон қисқичбақасимонлар мухим ролни эгаллайди ва бу кўрсаткич 18 дан 11,8% гача ташкил қилади. 10,1-12 см ва 12,1-14 см ўлчамдаги балиқлар озуқасида тубан планктон қисқичбақасимонлар улуши 0,5% гача пасайиши қайд қилинди.

8. Давуткўл сув омборида хирономид билан асосан товон балиқ, зоғорабалиқ ва шарқ оқчаси, ҳашаротлар билан – Орол қизил кўзи ва шарқ оқчаси, тубан планктон қисқичбақасимонлар билан – оқ дўнгпешона, зоғора балиқ, оқ амур, Орол қизил кўзи ва шарқ оқчаси, юксак даражали ўсимликлар билан - оқ амур, шарқ оқчаси, Орол қизил кўзи, сув ўтлари билан – оқ дўнгпешона, балиқлар билан – оқ сла озиқланганлиги, детрит билан - оқ дўнгпешона, товон балиқ ва зоғора балиқ кўпроқ озиқланиши кузатилди.

9. Тадқиқ этилган сув ҳавзаларида озуқа заҳиралари ва озиқланиш шароитлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Карпсимон балиқлар озиқланиши учун энг яхши шароитлар КС-1коллектори ва шоли экин майдонлари ҳамда Давуткўл сув омбори (2,5-2,7 ва 2,5-2,2 балл) да

мавжудлиги аниқланди. Йиртқич балиқ чавоқлари учун барча сув хавзаларидаги шароит бир хилда ижобий эканлиги қайд этилди.

10. КС-1 коллектори ва шоли экин майдонларида 7 та оилага мансуб 19 турдаги балиқлар озиқланиши кузатилди. Улардан 9 тури абориген ихтиофауна вакиллари, 10 тури акклиматизантлардан иборат. Табиий сув хавзаларидаги сингари уларнинг энг кўп турини карпсимонлар оиласи (13 тур), қолганлари эса – лаққалар, илонбошлар, олабуғалар, оризийлар, пецилиялар, буқабалиқлар оилаларига мансублиги билан изоҳланади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.B.20.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КОЩАНОВ ДАУЛЕТБАЙ ЕРЕЖЕПОВИЧ

ПИТАНИЕ МОЛОДИ РЫБ В ВОДОЕМАХ НИЗОВЬЯХ АМУДАРЬИ

03.00.06 – Зоология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Нукус – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/B396.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на Веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Жуманов Муратбай Арепбаевич**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Акрамова Фируза Джалалиддиновна**
доктор биологических наук, профессор

Сапарбаев Жумабай
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Хорезмская академия Маъмуна**

Защита диссертации состоится «19» сентября 2020 г. в 10^{00} часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.20.04 при Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Зал заседаний Каракалпакского государственного университета. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu_info@edu.uz).

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за № 5). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «5» сентября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «5» сентября 2020 года)

Я.И.Аметов
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н.

А.И. Курбанова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., доцент

И.И.Абдуллаев
Заместитель председателя Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По мере роста населения мира наблюдается повышение спроса на качественные продукты питания, включая рыбу и рыбные продукты. И это требует перенаправления существующих водных ресурсов и ирригационных сетей для развития рыбного хозяйства и повышения продуктивности внутренних водоёмов. Соответственно, выявление ихтиофауны в разнотипных водоемах, исследование развития видов, обоснование биологии питания и совершенствование существующих методов достижения высокой продуктивности в рыбоводстве, а также разработка новых методов имеют важное научно-практическое значение.

В мире особое внимание уделяется повышению эффективности и совершенствованию способов интенсивного разведения в рыбоводстве. В связи с этим были разработаны методы развития рыбоводства в соответствии с водоемами, характерными для разных географических регионов, определены способы формирования продуктивных популяций рыб в ирригационных сетях и обоснованы перспективы использования различных пищевых баз в развитии рыбоводства. Следует отметить, что 85-90% кормов для молоди рыб и 40-45% кормов для взрослых рыб состоят из зоо- и фитопланктонных организмов, их свойства развивать различные водоемы и эффективное производство биомассы для рыбоводства имеют динамичный характер. Это определяет планктонных организмов и их распространение, и разнообразие в разнотипных водоемах, сезонную изменчивость эффективной биомассы, их место в повышении продуктивности рыб в естественных и искусственных водоемах. Соответственно, оценка качества и количества кормов для рыб в различных водоемах, обоснование биологии питания молоди рыб, налаживание производства экологически чистой продукции при интенсивном рыбоводстве имеют важное научное и практическое значение.

В Республике особое внимание уделяется обеспечению населения качественной рыбой и рыбопродуктами, коренному развитию рыбной отрасли, совершенствованию племенных работ, увеличению количества выращиваемой в них продукции. В связи с этим, в частности, в соответствии с водоемами распространенные в республике разработаны интенсивные методы разведения рыб, акклиматизированы новые виды рыб и введены в промышленное производство. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан[2] были определены задачи, в частности «...последовательного развития сельскохозяйственного производства». Для выполнения данных задач, в частности определение видового состава зоопланктонных организмов в низовьях Амударьи, разработка способов их использования по назначению в рыбоводстве, оценка продуктивности

[2] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

эффективных видов и их внедрение в практику имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-2939 от 1 мая 2017 года «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью» и №ПП-3823 от 2 июля 2018 года «О мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов», Постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан №719 от 13 сентября в 2017 года «О мерах по комплексному развитию рыбной отраслью» и №845 от 18 октября в 2017 года «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбоводства», Указом Президента Республики Узбекистан №УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также другими нормативно - правовыми документами в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по распространению рыб в естественных и искусственных водоемах, их видовой состав, биология и экология отражены в работах зарубежных ученых H.Jahnichen, A.Kozianowski (1967), B.Stott, L.Orr (1970), R.J.Wells, J.R.Rooker (2009), R.Baker, A.Buckland, M.Sheaves (2014), S.K.Saikia (2016). Учеными из стран СНГ Л.С.Бергом (1905), В.Г.Никольским (1953), Н.Е.Быковым (1964), В.Е.Боруцким (1961), М.В.Желтенковой (1985), А.М.Токрановым и др. (1995), В.В.Максименковым (2002) были регистрированы научные результаты по фауне рыб, биоэкологические особенности, а также по систематике.

